

ПИВО МАҲСУЛОТЛАРИНИ КИМЁВИЙ ТАРКИБИ АСОСИДА ТАСНИФЛАШНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ

Магистрант: Мадалиев Т.А. М7-13 ООХ.

Талаба: Алиева Ф.А. 55-12 ООТ.

Илмий раҳбар: Намозов А.А.

“Озиқ- овқат технологияси” кафедраси

Пиво маҳсулотлари ҳозирги кунда жаҳон миқёсида товар айланмасида ўзига хос ўрин тутиб келаётган маҳсулотлардан ҳисобланади.

Пиво авваламбор чанқоқбости ичимлик ҳисобланиб, ёқимли таъмга эга. У ўзидаги углеводлар ва азот тутувчи экстрактив моддалар ҳисобига маълум миқдорда озиқавий қийматга эга. Шунингдек, пиво экстракти организмга тўла сўрилади. Пиво паст концентрациядаги спирт-сувли эритма ҳисобланиб, пиво спирти организмда CO_2 ва H_2O гача тўла, қўшимчаларсиз парчаланади. 1 г спиртдан 29,6 кЖ (7,08 ккал) энергия ажралиб чиқади. 1 л пиво 35 г спирт ва 50 г экстрактдан ташкил топиб, у 1793 кЖ (428 ккал) энергия беради.

Пивонинг калорияси спирт ва экстракт миқдорига ёки спирт ва углеводларнинг оксиллар билан биргаликдаги миқдорига қараб аниқланади. 1 л пиво калорияси 1676-3352 кЖ (400-800 ккал) дир.

Пиво юқори калорияга эга ичимлик, лекин у озуқа маҳсулоти ҳисобланмайди. Чунки пиво калориясининг 60% ини спирт беради. Шунинг учун у янги тўқималарни ҳосил қилишда хизмат қилмайди. Лекин спирт организмга энергия бериб, углеводларни иқтисод қилиш имконини беради. CO_2 пивога янги таъм бериб, овқат ҳазм қилишга ёрдам беради. Хмелнинг аччиқ моддалари ўт суюқлиги ажралишини яхшилайдиган ва озуқаларнинг яхши эмульгатори ҳисобланади. Пиво коллоидлари ҳазм қилиш органларида эмульгатор ва диспергаторлик вазифаларини бажариб, ферментатив жараёнларни тезлаштиради ва ичакларда озуқанинг сўрилишига яхши хизмат қилади. Шунингдек, пиво одам организмига осон сўрилиб, моддалар алмашинувини яхшилайдиган.

Пиво табиий алкоғолли ичимлик бўлиб, таркибида ўсимлик хомашёсидан тайёрлаш жараёнида ҳосил бўлувчи бир қатор бирикмалар сақлайди. Пивонинг асосий таркибий қисмлари сув (91-93%), углеводлар

(1,5-4,5%), этил спирти (3,4-4,5%), азот сақловчи моддалар (0,2-0,65%) ва минор бирикмалардан иборатдир.

Пиво углеводларининг асосий қисми декстринлардан (75-85%), қолган қисми глюкоза, сахароза, фруктоза каби оддий углеводлардан (10-15%) ва полисахаридлар, пектин фрагментлари ва бошқа мураккаб углеводлардан (2-8 %) ташкил топган.

Этил спирти углеводлар каби пивонинг калориясини таъминловчи (400-450 ккал/л) асосий компонентдир. Пивога жуда оз миқдорда (50-100 мл/л) юқори спиртлар ҳам учрайди.

Азот сақловчи моддалар асосан полипептидлар ва аминокислоталар шаклида мавжуд бўлиб, улар ичимликка солоддан ўтади. Пиво ачитқиларининг ҳаёт фаолияти натижасида аминокислоталарнинг 20-30% и ҳосил бўлади. Пивога деярли барча аминокислоталар учрайди.

Минор бирикмалар: минерал тузлар, витаминлар, органик кислоталар, фенол бирикмалари, аччиқ моддалар, ароматик бирикмалар, биоген аминлар ва эстрогенлар пиво таркибида жуда ҳам оз миқдорда бўлади.

Бундан кўринадики, пиво муҳим кимёвий бирикмалардан иборат ичимлик экан.

Кейинги йилларда истеъмол бозорида пиво маҳсулоти турларининг кўпайиши, унинг экспорт ва импорт жараёнида ҳиссаси салмоқли даражада ортиб бораётганлиги пиво маҳсулотининг халқаро иқтисодий муносабатларда қўлланиладиган товар кодларини қайта кўриб чиқиш, уларни такомиллаштириш, таснифлаш муаммоларини юзага келтирмоқда.

Халқаро иқтисодий муносабатларда товарга кимёвий таркиби асосида ёндошиш орқали товар кодларини аниқ белгиланиши, товарнинг ҳуқуқий ҳужжатларини тўғри расмийлаштирилиши мамлакат иқтисодиётини муҳофаза қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги вақтда пиво маҳсулотлари фақат улар сақланадиган идиш ҳажмлари асосида таснифланиб, уларга халқаро иқтисодий муносабатларда улардан фойдаланилган ҳолда код рақамлари берилади. Шу билан бирга ҳар йили мамлакатимизга бир неча минг тонна пиво маҳсулоти четдан келаётганлиги ва бу маҳсулотларни харидоргир қилиш учун мазаси, ҳиди, таъми, рангини яхшиловчи турли хил кимёвий қўшилмалар қўшилаётганлигини эътибордан четда қолдирмаслик зарур. Чунки, пиводаги бу кимёвий синтетик воситалар орасида одам организми учун зарарли таъсир

кўрсатувчи синтетик кимёвий бирикмаларнинг миқдори ва турини назоратига кўпинча эътибордан четда қолади.

Пиво маҳсулотларига фақат қадоқланган идиш ҳажмлари асосида код рақамларини берилиши товар айирбошлашувда тўловларни белгиланишида иқтисодий хатоликлар ва бир қатор муаммоларни келтириб чиқараётганлиги ҳамда пиво маҳсулотларини кимёвий таркиби бири иккинчисидан фарқ қилиши сабабли уларнинг сифати ва баҳоси турлича бўлишини инобатга олган ҳолда, халқаро иқтисодий муносабатларда товар кодларини белгилаш ва товарга сертификатлар берилишидаги маълум муаммоларни ҳал этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шунинг учун пиво маҳсулотларининг кимёвий таркибини илмий асосда таҳлил қилиш орқали уларнинг халқаро иқтисодий муносабатларда қўлланиладиган код рақамларини аниқлаш ва уларни табақалаштиришни илмий асосда тадқиқ қилиш, умумий қонуниятларни аниқлаш ҳамда уларни сертификатлаш масалаларини амалга ошириш долзарб масала ҳисобланади.